



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (13.881)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки гуруҳлари ўртасидаги самарали шериклик жадвал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йиллардаги изчил алоқалар ва конструктив мулоқот икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, уни янги истиқболли дастурлар билан бойитишга хизмат қилаётгани қайд этилди. Ушбу нуфузли халқаро молиявий институт ҳамкорлик самарадорлиги ва унинг инвестициялари ҳажми салмоқли даражада ошди.

Бугунги кунда банкнинг 4,5 миллиард долларлик имтиёзли молиявий ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилган ва оширилаётган қарийб 40 истиқболли лойиҳа ўзаро ҳамкорлик портфелини ташкил этмоқда.

Улар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, энергетика, транспорт, шаҳар ва коммунал инфраструктура модернизация қилиш, илғор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигини жадвал ривожлантириш, таълим ва соғлиқ сақлаш тизимини такомиллаштириш каби кўплаб муҳим соҳа ва йўналишларни қамраб олган.

2020 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли Шериклик дастури доирасида ўтган йили банкнинг Директорлар кенгаши томонидан қиймати 1,4 миллиард доллардан зиёд янги лойиҳалар маъқулланди.

Бундан ташқари, Жаҳон банкининг етакчи экспертлари солиқ тизими ва фуқаро авиациясини ислоҳ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳлари ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Банк-молия соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, давлат корхоналари ва агросаноат комплексини ислоҳ қилиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш каби йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Иқтисодий кенгаш доирасида узоқ муддатли ҳамкорлик дастурини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилди.

Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва банкнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини самарали амалга оширишга қаратилаётган юксак эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмон Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлари жаҳон фонд бозорларида муваффақиятли жойлаштирилгани, суверен рейтинглари олингани ва халқаро рейтингни ошгани мамлакатимизда янги босқичда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг халқаро эътирофи эканини алоҳида таъкидлади.

Жаҳон банки Ўзбекистон ва бутун минтақанинг барқарор тараққиётга қўмаклашиш мақсадида мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга тайёр экани яна бир бор тасдиқланди.

Ў.А.

ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ ЕВРОПА БОЗОРИГА ЙЎЛ ОЧАДИ

“Ўзстандарт” агентлигида Global G.A.P. стандартларини жорий этиш афзалликлари бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Европада экспорт қилишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, бу борада GLOBAL G.A.P. сертификати муҳимлиги, ушбу халқаро стандарт асосида мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, улар хавфсизлигини таъминлаш, халқаро стандарт ва сертификатлаштириш бўйича замонавий талабларни ўрнатиш ва ихтисослашган кадрлар тайёрлаш хусусида фикр алмашилди.

Шу йил 9 январь куни “Ўзстандарт” агентлиги ҳузурдаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник


жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти халқаро GLOBAL G.A.P. ташкилотига аъзо бўлди, – дейди GLOBAL G.A.P. ташкилоти Марказий Осиё, Россия ва Латвия минтақаси координатори Эдита Страздина. – Бу қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик учун катта имкониятдир. Ушбу халқаро стандарт қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уни Европа давлатларига экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш, халқаро бизнес кооперациясини ривожлантиришга имконият яратди.

Мутахассислар томонидан Жиззах вилоятидаги “Jizzakh Agritrade” ва “Jizzakh

Nihol Invest”, Самарқанд вилоятидаги “Agro Eko Fruit”, “Murodbek Plus” маҳсулияти чекланган жамиятларида GLOBAL G.A.P. стандартини жорий этиш ва сертификатлаштиришга қўйилган талаблар бўйича амалиёт ўтказилгани таъкидланди.

Тадбир сўнггида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, унга халқаро стандартларни жорий этиш, шунга мувофиқ мутахассислар тайёрлаш ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан ҳудудий ўқув-семинарлар ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Олимжон ЖУМАОЕВ



Президент ташрифидан сўнг...

ЧОШТЕПАДА ЯНГИ МАССИВ ҚУРИЛМОҚДА

Бугун йўлингиз пойтахтимизнинг Сергели туманига тушса, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан кўзингиз қувонади. Бу ерда минглаб хонадонларга мўлжалланган йирик массивлар, турли объектлар қурилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, Сергели туманида қурилиш кранлари шунчалик кўпки, худди дарахтзорга ўхшайди. Бу амалга оширилаётган ишлар кўламинан, шиддатидан.

Пойтахтимиздаги уй-жой муаммосига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада мулақо янги дастур қабул қилинган натижасида минглаб оилалар ўз уйига эга бўлмоқда. Биргина 2018 йилда пойтахтимизда 11 минг 400 хонадонли 258 та кўп қаватли уй қурилди. Хусусан, уй-жойга муҳтож оилалар учун Сергели туманида 4 минг 992 хонадонли 120 та, собиқ Чинни заводи ҳудудида 324 хонадонли 7 та, Яшнобод тумани Олмос маҳалласида ҳарбийлар учун 900 хонадонли 30 та кўп қаватли арзон уйлар қурилди.

Ҳар томонлама қулай бўлган бу каби арзон уйлар узоқ йиллар давомида Тошкент шаҳрида барпо этилмаганди. Гарчи уйлар қурилган бўлса, уларни қиммат тижорат уйлари бўлиб, уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож ва бюджетдан маош оладиган оилалар олиш имкониятига эга бўлмаган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилдан буён мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида турар жойга муҳтож оилалар учун арзон ва ҳар томонлама қулай уй-жойлар қурилиши тизимли давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган Чоштепа ҳудуди юртимиздаги тарихий жойлардан бўлиб, бир пайтлар бу атрофлар каровисиз хароба ҳолатда эди. Ўтган

йили Чоштепа маҳалласида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун 1 минг 176 хонадонли 21 та арзон уй-жой қурилган. Ҳозир маҳаллада замонавий андозалар асосида мустаҳкам, пишиқ янги ва самарадор технологиялардан фойдаланилган ҳолда кўп қаватли уйлар қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг июль ва декабрь ойларида бу ердаги қурилиш жараёнлари билан танишган, уйларнинг қулайлиги ва сифатига алоҳида эътибор қаратиб, ўз вақтида ва сифатли яқунлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Чоштепа маҳалласида 27 гектар майдонда янги қурилиш технологиялари асосида жами 3 минг 696 хонадонли 66 та кўп қаватли уй қурилиши кўзда тутилган. “Whitecity Construction” МЧЖ томонидан бунёд этилаётган мазкур уйларнинг 21 таси тайёр ҳолатга келтирилган. 14 таси жорий йилнинг апрель ойида ва қолган 31 таси июль ойигача қуриб битказилиши режалаштирилган.

Уйларнинг ҳар бири етти қаватдан иборат. Улар бир, икки ва уч хоналик хонадонлардир. Биноларда эҳтиёт чоралари қўрилган бўлиб, жумладан, 9 баллик зилзилага чидамли. Ҳар бир хонадон дудбуронлар билан таъминланган. Шунингдек, бино ташқи деворлари энергия тежамкор материаллар би-

лан қўпланган. Бу уйларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Ҳар бир 6 комплекс орасида болалар ўйингоҳи жойлашган бўлиб, уларда турли аттракционлар, спорт майдончалари ҳамда катталар дам олиши учун ўтиргичлар ўрнатилган.

Ўтган давр мобайнида бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, – дейди ЎЗА муҳбирига “Whitecity Construction” МЧЖ директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Зойит Ҳасанов. – Мавзеда маҳалла гузари ҳам бунёд этилди, унда маҳалла раиси ва маслаҳатчилари хоналари, уй-жой мулкдорлари ширкати, профилактика инспектори хонаси, кутубхона, мажлис залли фаолият юритади. Шунингдек, бинолар олдида автомобиль кўйиш учун ҳам қулай имкониятлар яратилган. Мактабгача таълим муассасасини барпо этиш ҳам режамизда бор.

Оддий ҳаётий ҳақиқат шуки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар замирида аҳолига муносиб шароитлар яратиш, маънан етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни воёга етказиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби мақсадлар мужассамдир.

Гулноза БОБОЕВА

ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС ЮРИТИШ БЎЙИЧА ЗАРУР ЧОРАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишга интилоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Савдо-саноат палатаси, Президент ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси ходимлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда контрактлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ

ҳолатлар таҳлил этилди. Бу жараёнда вақт, сарф-ҳарajatлар, суд жараёни сифати (шу жумладан, суд тизими ва мажлиси, ишларнинг кўриб чиқилиши, судларнинг автоматлаштирилиши) каби масалалар суд тизимида қандай ҳал этилганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср саҳоси
Барча маъбаладан олдинги сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Сирдарё туманида “Чехра туризм” сайёҳлик дам олиш мажмуаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Умумий майдони 2,5 гектар бўлган ушбу мажмуа қурилишига тижорат банкнинг 5 миллиард 500 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди.
- Тошкент вилоятидаги Зангота тарбия колониясида ёшлар жи-


ЖАҲОНДА

- АҚШнинг Ер ташқарисидagi цивилизацияларни кидириш институти (SETI) Нептуннинг 14-йўлдоши мавжудлигини расман исботлади. “Хаббл” фазовий телескопи еттинчи ички ойна топди. Уртача радиуси тахминан 17 километрлик бу йўлдош қолган ички йўлдошлардан кичик, дейилади хабарда. Ушбу йўлдошнинг мавжудлиги ҳақида илк далиллар астрономлар томонидан 2013 йили аниқланганди. Унга вақтинча S/2004 N 1 номи берилиб, ҳақиқатан ҳам борлиги-

- ни тасдиқлаш учун изланишлар бошлаб юборилди.
- Microsoft компанияси ходимлари 480 млн. долларлик йирик ҳарбий шартномадан воз кечиш талаби билан очик хатни имзолашди. Шартнома ҳарбий ҳаракатлар ва машғулотлар вақтида аралаш реаллик шлеми HoloLens негизида ётувчи технологияни қўллашни назарда тутди.
- Нигерияда нақд пулли қоплар ортилган самолёт чўкиб қолган. Воқеа таниқли нигериялик нашриётчи ва журналист Деле Момоду томонидан суратга олинган. “Instagram”да чоп этилган роликда жуда оғир вазн ҳисобига самолётнинг қуйи қисми учиш-қўниш йўлагининг бетониға ёпишиб қолган.

ҚИСКА САТРАРДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлигида Туркиянинг мустақил ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар уюмиси “MUSAID” вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.
- Пойтахтимиздаги Салар каналнинг қирқоқ бўйида сайлох ташкил этиш ишлари бошланди.
- Тошкентда Буюк Британия билан ҳамкорликда “NCUK Foundation Tashkent” таълим муассасаси очилди.
- Тошкент тиббиёт академияси ва И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети ҳамкорлигида “Университетларо ҳамкорлик маркази”ни ташкил этишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.
- “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуасида Itessa Exhibitions Халқаро кўргазмалар компаниясининг “Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги” номи “Қурилиш – UzBuild” ва “Исчи. Ҳавони тозалаш. Сув таъминоти – Aquatherm Tashkent” Халқаро кўргазмалари очилди.
- “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган физиятрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда “Чегарасиз шифокорлар” Халқаро муруват ташкилотининг филиали томонидан “Янги уфқлар: дориларга чидамли силни даволаш соҳасидаги инновациялар ва имкониятлар” мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.



САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖЛАНМОҚДА

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган sanoat корхоналари томонидан 3 169,0 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига nisbatan sanoat ишлаб чиқариш индекси 99,4 фоизни ташкил этди.

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳақиқи ўсишининг асосий омилли бўлиб, ишлаб чиқариш индекси (қайта ишлаш) sanoati sanoat ишлаб чиқариш индекси 98,9 фоиз, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш sanoati 102,0 фоизни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 105,0 фоизни ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 108,0 фоизни ташкил қилди.

Худудларнинг sanoat ишлаб чиқариши Тошкент шаҳрида sanoat корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш борисида амалга оширилётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳақиқи ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри sanoat ишлаб чиқариш ҳақиқи таркибиде энг кўп

улуш Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри sanoat ишлаб чиқариш ҳақиқининг 17,5 фоиз улушини), Мирзо Улугбек тумани (12,6 фоиз), Миробод тумани (11,0 фоиз), Шайхонтоҳур тумани (10,7 фоиз) ва Олмазор тумани (8,9 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Яққасарой (4,6 фоиз), Учтепа (5,7 фоиз), Бектемир (6,5 фоиз) туманларига тўғри келади.

Тошкент шаҳрида sanoat ишлаб чиқаришида йирик sanoat корхоналар томонидан 567,4 млрд. сўмлик, йирик носаноат корхоналар томонидан 31,3 млрд. сўмлик ва кичик бизнес субъектлари томонидан 1738,9 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди.

Sanoat ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши даст-

лабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида sanoat ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши – 73,0 фоизни ташкил этган.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришида энг юқори улуши Яққасарой тумани (жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги улуши 94,5 фоиз), Олмазор (91,6 фоиз), Учтепа (90,8 фоиз) ва Юнусобод (87,0 фоиз) туманларида кузатилди.

Шу билан бирга, энг кичикина улуш Мирзо Улугбек (58,5 фоиз), Яшнобод (62,8 фоиз) ва Бектемир (63,5 фоиз) туманларида кузатилди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС ЮРИТИШ БЎЙИЧА ЗАРУР ЧОРАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2018 йил май ойида эълон қилинган Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида кўра, Ўзбекистон "Контрактлар ижросини таъминлаш" индикатори бўйича 67,26 балл кўрсаткичи билан 190 давлат ичида 41-ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарориде контрактлар ижросини таъминлаш соҳасиде бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раисининг ўринбосари Қобилжон Комилов, USAIDнинг Ўзбекистон бўйича директори Гари Роббинс Ўзбекистонда ислохотлар самардорлигини ошириш, халқаро ҳамжамиятда мамлакатнинг ижобий қиёфасини шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Олий суд томонидан қарор билан тасдиқланган "Йўл харитаси"да белгиланган тадбирларни амалиётга жорий этишга киришилди. Иқтисодий судларда ишларни юритишга доир статистик маълумотлар, хусусан, иқтисодий ишларни кўриш давомийлиги ҳақидаги, шунингдек, иқтисодий судларга келиб тушган даъво аризалар ва қўриб ҳал этилган ишлар ҳақидаги статистик маълумотларни Олий суд расмий веб-сайтида жойлаштириб бориш йўлга қўйилди. Фойдаланувчиларга зарур маълумотларни осон топиши учун қўлайли яратиш мақсадида Олий суд расмий сайты бош саҳифасиде "Статистика" рўкни жойлаштирилди.

Барча фойдаланувчилар, шу жумладан, судьялар ва ишда иштирок этувчи шахслар фойдаланишлари мумкин бўлган электрон тизим яратилиб, Олий суд расмий веб-сайтидаги интерактив хизматлар ёрдамида суд амалиёти умумлашлари ва обзорлари, судга тақдим этиладиган мурожаатлар намуналарини олиш, суд-

нинг иш юритувида бўлган барча ишлар бўйича суд мажлислари жадвали (иш қўриладиган сана, масъул судья, иш рақами ва бошқалар акс эттирилган) ҳақидаги маълумотларни автоматик равишда олиш имконига эга бўлишди.

Шунингдек, иқтисодий судларга мурожаатларни электрон тарзда тақдим этиш, мазкур электрон мурожаатлар юзасидан олиб борилган процессуал ҳаракатлар, уларнинг бориши ҳамда натижаларини кузатиб боришни таъминлайдиган E-XSUD ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ҳар қандай манфаатдор шахсга ўзининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво аризасини (аризани), шикоятни (протестни), мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни иқтисодий судга электрон ҳужжат тарзида юбориш имконияти яратилди.

Олий суднинг расмий сайтыда "Суд қарорлари тўплами" деб номланган алоҳида интерактив меню жойлаштирилган бўлиб, мазкур интерактив хизмат суд ишларини юритиш электрон тизими билан интеграция қилинган ва ҳозир исталган фойдаланувчи Олий суднинг расмий сайтыда жойлаштириб борилаётган қўниги кучга кирган суд ҳужжатлари билан эркин танишиши мумкин.

Семинарда сўзга чиққан Олий суд судьяси Б.Сайфуллаев, Олий суднинг АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Б.Очилов контрактлар ижросини таъминлаш борисиде амалга оширилаётган ишлар, жумладан, суд иштирокчилари учун яратилган интерфал хизматлар ҳамда судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳақида батафсил маълумот берди.

Семинар иштирокчилари мавзу юзасидан мулоҳазалар билдирди. Тақлиф ва тавсияларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Н.АБДУРАИМОВА

Ҳозирги кунда туризм соҳаси дунё иқтисодининг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида ҳам туризм иқтисодийнинг энг фаол жабҳаларидан бирига айланиб бормоқда.

Дунё таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, туризмнинг кенг қамровли тараққиёти мамлакатнинг асосий даромад манбаларидан бирига айланиб улгурган. Мамлакатимизда туризм соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, "Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқалар бунинг ёрқин мисолидир.

2018 йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Парламентга қилган Мурожаатида барча соҳалар қаторида туризм соҳаси ҳозирги кунда миллий иқтисодийётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири бўлган туризм ҳақида айтиб ўтди.

БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти

ТУРИЗМ – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ БЎЙИНИ

маълумотида 2015 йилда дунё бўйича 1 миллиард 184 миллион сайёҳ қайд этилган бўлса, 2016 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 1 миллиард 235 миллионга яъни, 3,9 фоизга ошган. Саёҳатчиларга кўрсатилган экспорт хизматлари қиймати 2015 йилда қарийб 1,5 триллион АҚШ долларини ташкил қилган. 2016-2017 йилларда ҳам бу рақамларда катта тафовутни кўриш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, сайёҳлик соҳаси бугунги куннинг энг муҳим иқтисодий соҳаларидан бирига айланди. Шу боис дунёнинг кўп қисми давлатлари ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфраструктуранинг жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқими-

ни ошириш бўйича барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳаси бозор муносабатларининг шаклланиши ва чуқурлашиб бориши билан янада ривожлантириш, унда рақобат муҳитини яроқлига келтириш, ҳозирги мураккаб шaroитда кун тартибига турли янги ва ўта муҳим масалаларни қўймоқда. Булар сафиде туризм соҳасидаги меҳмонхоналар сервисининг сифати ва самардорлигини ошириш масаласи ўта муҳим ўрин тутди. Бозор иқтисодиёти шароитида хизматлар кўрсатиш жараёнида меҳмондўстлик индустрияси корхоналарнинг таваккалчилиги сезиларли даражада ортади ва ўз-ўзидан четдан маб-

лағлар жалб қилинишига олиб келади. Масалан, меҳмонхона қуриш ўнлаб, юзлаб миллион доллар билан ўлчанадиган молиявий таваккалчилик ҳисобланади.

Айтишимиз жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан айнан туризм соҳасига жуда катта эътибор ҳамда кенг имкониятлар яратилиши соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилганлигидан далолат беради. Президентимизнинг соҳа мутахассисларига қўйган асосий талаблари мамлакатимизда мавжуд бўлган туризм индустриясида оқилона фойдаланиб уни янада яхшилашдир. Бу ўринда албатта хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва "Ўзбекистон темир йўллари"нинг моддий-техника базасини янада яхшилаш, сайёҳларга қутиш учун яратилган махсус залларда уларнинг вақтларини унумли ўтказишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш муҳим роль ўйнайди.

Дилшод ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодий университетини талабаси

ТЕЖАМКОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг қўламада имконият, имтиёзлар яратилиши натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ривожланмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий инфратузилма ривожланишини электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида ишлаб чиқаришда энергия тежамкор ускуна ва қурилмалардан фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини пасайишига таъсир кўрсатиш билан биргаллик мамлакат табиий бойлигини самарасиз ва нооқилона фойдаланишдан ҳам асрайди. Шу ўринда бугунги кунда бутун дунёда энг тежамкор ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз ва тоза бўлган диодли лампалар республикамизда ишлаб чиқарилиши истиқболимизни яна бир ютуқларидан десак адашмаган бўламиз.

Диодли лампалар ўзидан аввалги қатлам лампаларга nisbatan бир қанча афзалликларга эга, яъни ўлчамли лампаларга nisbatan 10 қарра, энергия тежамкор газли лампаларга nisbatan 3 қарра электр энергиясини кам истеъмол қилади, ишлаш соати 3-5 қарра юқори, кучланиши ва иклим ўзгаришига кам таъсирлидир.

Электр энергиясини тежаш ҳамда ундан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида барча соҳадаги ёритиш қурилмаларида диодли лампалар ўрнатилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан қатор қонунлар, қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича босқичма-босқич ишлаб олиб борилаётган.

Дилшод ТОЛИПОВ,
"Ўздавэнегрозавторат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Юнусобод тумани ҳокимлигида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларини ички ҳамда ташқи бозорга етказиб беришда тадбиркорларга қўлайлик яратиш, бунда жаҳон бозорига мос электрон савдо тизими тартиб-тамоийларига бағишланган бизнес-тренинг ташкил этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ўтказилган тадбирда шу соҳалардаги масъул вакиллар, тадбиркорлар, "Ўзстандарт" агентлиги ва "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти ходимлари иштирок этди.

Бугунги ўқув тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш ва улар ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли молларининг савдосини ташкил этишда замонавий услублардан кенг фойдаланиш бўйича зарур маълумотлар бериш, уларнинг бу борада билим ва малакасини оширишга қаратилган, – деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Юнусобод тумани бўлимининг Тадбиркорларга қўмақлашиш маркази директори Алишер Алохутдинов.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Бугунги кунда ишсизлик муаммоси бартараф этиляпти. Бунда, албатта, туманлардаги бандлик марказларининг алоҳида ўрни бор.

Миробод туман Аҳоли бандлиги кўмаклашиш маркази фуқароларни ишсиз деб эътироф этиш масалалари бўйича комиссияси томонидан 68 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик қошидаги "Ишсизларни касб-хўнарага тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази" томонидан турли касблар бўйича 58 нафар фуқаро касбларга ўқитилди. Мингга яқин аҳоли ишга жойлаштирилди.

– Марказимиз ўз иш фаолияти давомида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуннинг Меҳнат кодекси бўйича Тошкент шаҳар Бандлик бош бош-

қармаси томонидан тасдиқланган иш режаси асосида олиб боради, – дейди биз билан суҳбатда Миробод туман Аҳоли бандлиги кўмаклашиш марказининг директори Чулли Азимов. – Утган йили бундан ўзини, меҳнат ярмаркалари, ишга жойлаштириш, касбга йўллаш ва қайта ўқитиш, касб-хўнара коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича фаол ишладик. Натижада туманда жойлашган 6 та касб-хўнара коллежи битирувчиларининг 997 нафари иш билан таъминланди.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик қошидаги "Ишсизларни касб-хўнарага тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази"да икки нафар ишсиз фуқаро электромонтёрлик ва компьютер операторлигига ўқишга юборилди. Ҳазонинг ижро этиш муассасаларидан овоз қилинган 45 нафар фуқарога ҳам амалий ёрдам беришга киришилди. Улар ободонлаштириш бошқармасига, кўп тармоқли поликлиникага, ташкилотларга ҳайдовчиликка ишга жойлаштирилди. Айримлари эса "KOICA" ўқув марказига юборилди. Хуллас, марказга ташриф буюрган фуқароларни ҳодимлар хушмуомалалик билан қўтиб олиб, бундан ўзини билан таништиришти, ишга жойлаштиришга қўмақлашяпти.

Хонбиби МАҲАМОВА

Транспорт

Йўловчиларга қўлай шароитлар яратилмоқда

Президентимизнинг 2017 йил 10 январдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2017 – 2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Мазкур қарор бугунги кунда транспорт тизимидаги ноқулайликларнинг олдини олишда ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда дастур-улама бўлиб келмоқда.

"Тошаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти берган маълумотларга қараганда автобуслар назорати марказий нозимлик хизмати – "Тоштранспедиспетчеризмат" унитар корхонаси томонидан амалга оширилади. Ҳозирда бир минг 300 га яқин автобусга GPS трекерлари ва антенналари ўрнатилган, операторлар автобус ҳаракатларини онлайн тарзда кузатиб боради. Компьютер мониторида кўринмаётган, белгиланган тезликка амал қилмаган, оралик бекатда кўп тўхтаб қолган транспорт воситасини оғошлантириб туради.

– Йўловчиларнинг манзилга соғ-омон етиб олишлари учун барча автобусларда замонавий қўлайликлар яратилган, – дейди "4-автобус саройи" масъулиятли чекланган жамияти директори Боситхон Гулямов биз билан суҳбатда. – 11 йўналишга хизмат кўрсатаётган автобус саройимизда 468 нафар ходим фаолият юритади. Шулардан 244 нафарини малакали ҳайдовчилар, 92 нафарини эса чиптачилар ташкил этади. Жорий йилда янги 10 та "Исузу LE 60", 5 дон "MAN A 22" ҳамда 5 та "MAN RR 3" русумли автобусларни харид қилиб 84, 38-йўналишларга ва шаҳарлараро меҳмонларга буюртма асосида хизмат кўрсатишга йўналтирдик. Бир сўз билан айтиладиган бўлсак, йўловчиларнинг беҳатар ва тартибли равишда узоғини яқин қилиш, тез, сифатли ва қўлай шароитларда хизмат кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

"4-автобус саройи" МЧЖда баҳорга тарадуд кўриш борисидеги ободонлаштириш ва қўламлиқларни яратиш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Теварак атроф ободонлаштирилмоқда, ирригация шохобчалари ва дарахзорларни умий сўғориш иншоотлари қайта соzланмоқда. Эрта баҳорда муассаса ҳудудининг 300 кв. м газон ётқизиш, 40 донча манзарали, 60 та мевали ва 600 та гул қўчатларини ўтқизиш ишлари ҳам режалаштирилиб қўйилган.

Шунингдек, мазкур автобус саройида жорий йилда "Д" тоифали ҳайдовчиларнинг ўқитилиши ва 16 та янги иш ўринлари яратилиши ҳам кўзда тутилган.

МАҚСАДЛИ СИФАТЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИЛМОҚДА

"2-автобус саройи" масъулиятли чекланган жамиятида ҳам йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва йўл қоңдаларига риоя қилиш, мақсадли ва сифатли хизмат қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муассасада 221 та автобуслар мавжуд бўлиб, улар 18 та йўналишга хизмат кўрсатади.

– Инсон хавфсизлигини таъминлаш, йўл қоңдаларига риоя қилиш, йўловчиларни ўз манзилларига соғ-саломат етказиб қўйиш асосий вазифамизга кириди, – дейди "2-автобус саройи" МЧЖ директори Шуҳрат Нурматов биз билан суҳбатда. – Йўловчилар билан тўла транспорт воситаларида хушёр ва ўта масъулиятли бўлиб рулни бошқариш ҳайдовчидан катта маҳорат ва касбий сабоқ талаб этади. Фуқароларга тез, сифатли ва қўлай шароитларда хизмат қилиш, уларнинг узоғини беҳатар ва тартибли равишда яқин қилиш ҳар бир ҳайдовчининг вазифасидир.

Ҳозирда ўн саккиз йўналишга хизмат кўрсатаётган ушбу автобус саройида 783 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 360 нафарини малакали ҳайдовчилар, 183 нафарини эса чиптачилар ташкил этади. Жорий йилда муассасага янги МАН автобуслари олинди. Улар ҳар куни турли йўналишларда аҳолига самарали хизмат кўрсатади.

Дарҳақиқат, корхонада иш юритаётган ҳайдовчи ва чиптачилар иш фаолиятига масъулият билан қараш баробарида беҳатар ва сифатли хизматта доимий эътибор қаратиб келмоқда. Ҳа, инсонлар узоғини яқин қилиш, уларни ўз манзилларига соғ-омон етказиб қўйишда автобус саройларининг меҳнатлари олқишга сазовордир. Бироқ, гурчу курмакисиз бўлмаганидек баъзи бир автобус саройларининг ҳайдовчилари ва чиптачилари ўзларининг қўпол муомаласи, йўл ҳаракати қоңдаларига риоя қилишликлари, бекатларда тўхтамай кетишлари боис аҳолининг норозилиги ва эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

БОЛАЛАРНИ МАКТАБГАЧА ТАЙЁРГАРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ ҚАМРОВИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, болаларнинг қизиқиш ва интилишини ҳисобга олган ҳолда уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Худудлардаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини кенгайтириш, болаларнинг қизиқиш ва интилишини ҳисобга олган ҳолда уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Худудлардаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини кенгайтириш, болаларнинг қизиқиш ва интилишини ҳисобга олган ҳолда уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

399-мактабгача таълим муассасасида жорий йил бошидан худуддаги "Фарҳод" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган, мактабгача таълим билан қамраб олинмаган 5 ёш 6 ойга тўлган 22 нафар бола бепул мажбурий бир йиллик тайёрлов гуруҳига жалб қилинди.

– Ҳозиргача айрим кам таъминланган оилалар моддий қийинчилик туфайли боласини уй шароитида олиб қолмоқда, – дейди 399-мактабгача таълим муассасаси мудири Гулнора Умарова. – Шунинг билан инновацион Узоқберганова. – Шунинг билан инновацион Узоқберганова. – Шунинг билан инновацион Узоқберганова.



мида тайёрлаш гуруҳидаги болалар дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Тайёрлов гуруҳида илк дарслар бошлангич таълимнинг мажбурий йиллик тайёрловидан ўтгани ҳақида давлат намунасидаги махсус сертификат берилади.

Машғулотлар "Тил ва нутқ", "Қурилиш ва конструкциялаш", "Тасвирий фаолият", "Илм-фан, табиат" каби марказларда ихтиёрий шаклда ўтказилади. Мазкур гуруҳда ўқув тарбия жараёнини ташкил қилиш учун ўқув-методик материаллар ва керакли адабиёт, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, болалар ва спорт инвентарлари билан жиҳозланган алоҳида хона ажратилди. Ота-оналар муассасасида ташкил этилган тайёрлов гуруҳи фаолиятини амалга ошириш, болаларни мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– дейди худудда яшовчи Аслида Эгамбердиева. – Тайёрлов гуруҳида илк дарслар бошлангич таълимнинг мажбурий йиллик тайёрловидан ўтгани ҳақида давлат намунасидаги махсус сертификат берилади.

Машғулотлар "Тил ва нутқ", "Қурилиш ва конструкциялаш", "Тасвирий фаолият", "Илм-фан, табиат" каби марказларда ихтиёрий шаклда ўтказилади. Мазкур гуруҳда ўқув тарбия жараёнини ташкил қилиш учун ўқув-методик материаллар ва керакли адабиёт, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, болалар ва спорт инвентарлари билан жиҳозланган алоҳида хона ажратилди. Ота-оналар муассасасида ташкил этилган тайёрлов гуруҳи фаолиятини амалга ошириш, болаларни мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ,
УзА мухбири

ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАК

Бугунги кунда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қобилиятини тўла рўйбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ижодий интеллектual салоҳиятини ривожлантириш, турли маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлмоқда. Ёшлар – миллат келажаги, ҳаётнинг эртанги давомчилари, мустақил юртимизнинг мустақам таянчларидир. Бугунги кунда ёшларга эътибор юксак даражада десак муболаға бўлмайди, албатта.

Биз, ёшларнинг маънавий етуқ инсон бўлиб вояга етишимиз учун барча имкониятлар эшиги очик. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар юксак чўққиларни забт этаётганлигини ҳар қадамда кўришимиз кийин эмас. Уларнинг иқтидорини юзага чиқаришда, билимли ва салоҳиятли, ҳар томонлама фаол ёшларни бирлаштириб, юксакларга парвоз қилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Мен ҳам мамлакатимиздаги яратилаётган кенг қамровли имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдаман. Яқинда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг фаолиятига кўз ташлар эканман, партия ишлари ва у ердаги тадбирларга қатнашишни кўнгилимга тугиб қўйган эдим. Ўз тенгдошларим билан учрашиб ташаббускор, шижоатли ёшларни кўриб қизиқишим тобора кучайди. Натижада мен ҳам салоҳияти ёшлар сафига қўшилиш учун Ўзбекистон Адолат СДПнинг "Ёш Адолатчилар" қанотига аъзо бўлдим. "Ёш Адолатчилар" қаноти остида интилувчан ва ҳаракатчан тенгдошларим билан қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. "Мамлакат сиёсий ҳаётидаги ёшларнинг ўрни ва партия ёшларининг етакчилик маҳоратини шакллантириш" каби мавзуларда турли тадбирлар ўтказмоқда. Ўйлайманки, жамият ўз олдига мустақил фикрловчи, эркин шахсни шакллантириш вазифасини қўймоқда. Бу албатта ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган ёшларни тарбиялаш деганидир.

**Дилшод КАРИМОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси**

Мумтоз адиблардан бири китобни кўнгил малҳамати, дея таърифлаган эди. Яқинда шифокорлар китоб мутолааси жуда фойдали муолажа эканини ҳам исботлашди. Ҳатто айрим шифохоналарда библиотерапия билан даволаш усули жорий этилди.

Хўш, қандай китоблар соғайишга ёрдам беради? Ливерпул университетининг олими тажрибага жалб этилган кишиларнинг Шекспир асарларини ўқийётган чоғида бош миёнада кузатишган фаол ўзгаришларни қайд этишди. Бундай муолажа усули асабий ва кўрқув ҳолатидаги кишиларни тинчлантириб соғайтириш учун махсус ишлаб чиқилган экан. Маълум бўлишича, бадиий юксак асарлар таъсирида бош миёнанинг кучли ҳис-ҳаяжон кўзгадан қисми фаолияти мўътадиллашиб, назорат қилиш қатламида фаоллик ортар экан.

Муолажага арзили китобларни ҳар ким ўз дида, савиясидан келиб чиқиб танлаши мумкин. Муҳими библиотерапиядаги асосий талабга яроқли эшитиш лозими, яъни асар қизиқарли бўлиши, ўқиш жараёни фақат ҳузур-ҳаловат бахш этиб қолмай, фикрлашга ҳам ундамоғи, ўйлашга мажбур этмоғи керак. Асар бош қаҳрамони ҳаётини қачондир рўй берган ва ҳануз оромини қайтариб олиб келмаётган вазиятга тушиши

Билиб қўйган яхши

МУТОЛАА – ШИФО ВОСИТАСИ

мақсадга мувофиқ. Шунингдек, китоб хотиржамлик ва кутарини кайфият бағишлаши, муаммо кўнгилдаги ҳал бўлишига ишонч ўйотиши, ёруғ таасирот қолдириши зарур.

Қандай китоблар мутолаа чоғида ақл ва юракка қувват беради? Биринчи галда мумтоз адабиёт намуналари. Бир маромдаги ҳикоя услуби кишида турғун ва барқарор ҳис-туйғуларни ўйотади. Асар қаҳрамони йўл қўйган хато нуқсонларини ҳақиқатда ўйлаб кўришга ундайди. Мумтоз асарлар мутолааси киши руҳий зарбаларга учраганда, марказий асаб тизими бузилганда, невроз ҳолатида, нохуш хотирларни унутиш кийин кечадиган пайтларда ўзига хос муолажа бўлади.

Детектив ва саргузашт асарлар диққат-эътибор, кўн-сабот ва кузатувчанликни чиниктиради. Мураккаб сюжетлар маҳзун ўй-хаёл ва ташвишлардан чалғитади. Нохуш фикр миёнага ўрнашиб қолган, руҳан сиқилган пайтларда китоб ўқиш муолажа вазифасини ўтайди.

Илмий фантастик асарлар юз бериш эҳтимоли бор нарсалар ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради, ўй ва истакларни чўчимай ҳаёлдан ўтказиш, бошқаларда ҳам шундай фикр ва истак бўлиши мумкинлигини тан олиш имконини беради. Бундай китоблар турли ваҳима ва кўрқувлардан азият кечувчи, катъий тартибда яшовчиларга тасвия қилинади.

Назми асарлардаги аниқ ритм организмда кечадиган жараёнларни меъё-

кураш маркази мутахассиси Нилуфар Умарова ОИВ инфекцияси, унинг зарарли ва салбий оқибатлари, касалликни тарқалишига қарши курашиш ҳақида бўлажак келин-куёвларга тушунча бериб ўтди.

Яккасарой туман "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари Нилуфар Кодирова эса оилавий муносабатларни турғи йўлга қўйиш, намуна оилани шакллантиришда миллий қадриятларнинг аҳамияти, ислом дини ва унинг оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрни, оилавий муносабатларнинг мулк ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотин, болалар манфаатлари ҳақида фикр билдириб, ёшларга оилада кевек бўладиган масъулиятларни тасвир этди.

Илк машғулотлар кўтаринки рўҳда ёш келин-куёвларнинг бахс ва мунозараларига бой тарзда яқунланди. Иштирокчи ёшлар ўзларини кизиктирган барча саволларига мутахассислар томонидан тўлиқ жавоб олди. Машғулот иштирокчиларига турли мавзулардаги буклетлар тарқатилди.

Гулнор САТТОРОВА

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА

Яккасарой туман "Оила" илмий-амалий маркази томонидан Тошкент шаҳар 1-сон Никох ўйда "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди ва шу кунни мактабнинг илк машғулоти ҳам ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Нажмуддинова, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси эксперти Ж.Шермухамедова, Яккасарой туман ҳокими Б.Шамуратов ва бошқалар юртимизда оила манфаатларини таъминлаш, мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ёш келин-куёвларга яратилаётган шарт-шароитлар, оила муҳитининг ёш авлод тарбиясига таъсири, баркамол авлоднинг ўстиришда ва қамил инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар 1-сон Никох ўйи ва Яккасарой туман ФХДБ бўлимига нисбатан қайд этиш учун ариза топширган 24 жуптулик яъни 48 нафар никоҳланувчи ёш келин-куёвлар ҳам иштирок этдилар.

Машғулотлар доирасида Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони оила институтини мустаҳкамлаш, ёшлар-

ни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ажралишларнинг олдини олиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида қайд этиб ўтилди.

Жумладан сўзга чиққанлар илгари ФХДБ бўлимида қўйиладиган ташкил этилган "Ёш оила мактаби" машғулотлари жамоатчилик асосида фаолият юритган бўлса, эндиликда инновацион мактаблар аниқ белгиланган мақсадда режалаштирилган ташкил этилаётганлигини, унинг мақсади, аҳамияти, бугунги кундаги долзарблиги тўғрисида фикр юритдилар.

Тошкент шаҳар руҳий асаб касалликлар диспансери руҳшуноси Гулрух Атамова ёш келин-куёвларга, илк оилавий кунлардаги руҳий, дастлабки оилавий ҳаёт, келинларнинг янги оилада кузатиладиган мослашув ҳолатлари, келиб чиқиши эҳтимоли бўлган тушунмовчиликлар ҳусусида ва шу ҳолатлардан чиқиб кетиш чоралари ҳақида қайнона, келин, эр ва хотин муносабатларида ўзини қандай тутиш лозимлиги борасида маслаҳат берди.

Тошкент шаҳар ОИТСга қарши

Кўргазмалар

БУЮК ДАШТ МЕРОСИ

Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида "Буюк дашт мероси" деб номланган фотокўргазма очилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Темурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиев, Қозоғистон Республикасининг "Ҳазрат Султон" қўриқхонаси директори Нурбулат Қадир ули икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик, Туркистоннинг қадим ўтмиши ва тарихий ёдгорликларини тарғиб қилиш ҳақида маданий алоқаларни кенгайтириб, музейлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтишди.

Бир ой давомида намоийш этиладиган мазкур кўргазмада Қозоғистон Республикасининг "Ҳазрат Султон" Давлат тарихий-маданий музей-қўриқхо-

насининг 50 дан ортқ фото суратлари ва бошма ашёлари намоийш этилмоқда.

Жумладан, саёҳатчи А.Куннинг "Туркистон альбому"дан олинган Хожа Аҳмад Яссавий макбарасининг 1871-1872 йилдаги фото сурати, XIV асрнинг қимматли экспонатлари ва заргарлик буюмлари, Туркистон минтақасининг тарихий-маънавий қадимжолари суратлари ҳамда этнографик ва археологик материаллари кўргазмадан ўрин олган.

**Барно САЙДОВА,
Темурийлар тарихи давлат музейи экскурсоводи**

рига келтиради, кайфиятни кўтаради, кишида ўз кучига ишонч ўйотади. Депрессия ҳолатларида, шунингдек, инсултдан кейинги дудқулангани даволашда ҳам бу усул қўлланади. Эртак ва фольклор адабиёти эса, қийинчиликсиз муомала қилиш қоидаларига, кузатувчанликка одатлантиради. Бу турдаги китоблар шошқалоқ, итоатсиз, сўзга кирмайдиган болаларни тарбиялашда қўл келади.

Хуқуқий адабиёт хавотирли вазиятларнинг олдини олиш, зиддиятларсиз муомалага киришишга ўргатади. Ўсимларга ўқиш даврида ёрдам беради, жароҳлик амалиётдан сўнг кайфиятни кўтаради. Фалсафий ва диний адабиётлар дунёнинг яхлитлиги, унда инсоннинг ўрни ҳақида тасаввур беради. Ўткир руҳий зарбалар, сурункали руҳий сиқилишлардан халос этади.

Китобдан олинган ахборотлар бош миёнанинг қисқа ва узоқ мuddатли ташкил масъул қисмлари ўртасида янги алоқани шакллантиради, миёна чиниктиради.

Мутолаа учун китобни билиб танлашгина чинакам фикр мактабидан сабоқ олгандек ўз-ўзининг янада яхшироқ англай бошлайсиз.

Хабарлар

ЯГОНА ПОРТАЛИ ИШГА ТУШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар Интернет тармоғида "Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда" ягона порталини яратди.

Президент қарори билан Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда" ягона портали фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янгилаш бўйича масъул орган этиб белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотиҳорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда "Юксалиш" умумийлик ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижаларини тўғрисидаги ахборотни, жумладан, субсидиялар, грантлар ажратилиши ҳамда ижтимоий буржотлар бериш орқали халқаро рейтингларни тузувчиларга етказиш борасидаги ишларга фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этишни таъминлайди.

ЎРИНДИКСИЗ АВТОБУСЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

"Mening fikrim" жамоавий мунозабатлар порталига ўриндиксиз автобусларни жорий этиш бўйича тақлиф ўртага ташланди.

"Бугунги кунда жамоат транспортларида аҳоли учун қўллаб-қувватлаш яратилмоқда. Бу албатта қувонарли ҳол, аммо тизимли равишда йўловчиларнинг иш, ўқиш, бозор ва бошқа манзилларга етиб олишида автобуслар сизими талабга жавоб берайди. Бу эса ўз навбатида бир қанча нуқулликларни юзага келтиради. Автобус йўналишлари ва уларда қатновчи автобуслар сонини ошириш каби чоралар билан бирга қўшимча тарзда эрталабки ва кечки тизимли равишда ўриндиксиз автобуслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сабаби ўриндиксиз автобуслар ўриндиксизлик нисбатан кўпроқ йўловчиларни ташвиш имкониятига эга", дейилди мунозабатда.

Қобилжон Раҳимжонов томонидан билдирилган фикрга кўра, автобусларнинг техник-конструктив хавфсизлиги алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўриндиксиз автобусларни эрталаб соат 07:00 – 09:00 оралиги ва кечки соат 17:00 – 20:00 га қадар энг сербатнов йўналишларда синодан ўтказиш тақлиф қилинмоқда.

МИЛЛИЙ МОНИТОРИНГ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги ва Адлия вазирлигининг тақлифи билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизимини яратилади.

Бошқарув сифати ва сиёсатнинг самардорлигини ўлчаш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар жараёнини баҳолаш, тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам беришни устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари Миллий мониторинг тизимининг таркибий қисми этиб белгиланмоқда.

БЕКТЕМИРДА 25,1 КИЛОМЕТР ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛАДИ

Бектемир тумани аҳолисини тўлиқ марказлашган сув таъминоти билан таъминлаш мақсадида жорий йилда 25,1 км. янги ичимлик сув тармоқлари қурилади.

Бу ишларни амалга ошириш учун 17,6 млрд. сўм маблағ манбалари аниқлашиб, лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, эскирган 1,75 км. ичимлик сув тармоқларини алмаштириш ишлари амалга оширилади.

Режалаштирилган ишлар жорий йилнинг 15 мартдан бошланади. Натижада Бектемир тумани аҳолиси тўлиқ марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Маълумот ўрнида, бугунги кунда туманда 12 198 истеъмолчи ёки 50 891 нафар аҳолининг 35 891 нафари марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бу эса ичимлик суви таъминоти даражасининг 71 фоизини ташкил қилади.

МАКТАБЛАР ҲАМДА МУҚОБИЛ ДАРСЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта таълим мактаблари учун альтернатив (муқобил) дарсликларни яратиш ва улардан мактабларда фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилди.

Мазкур қарор қабул қилинса, умумий ўрта таълим мактаблари учун рақобатбардор, альтернатив (муқобил) дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган альтернатив дарсликларни таянч мактабларда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда олинган ҳулосалар асосида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чораларини кўради. Уларни нашрга тайёрлаш ҳамда чоп этиш ишларини тегишли ташкилотлар билан мувофиқлаштириб боради.

Белгилаб қўйилмоқдаки: альтернатив (муқобил) дарсликларни нашр этиш ҳамда юзларга етказиб бериш ҳаракатлари белгиланган тартибда ўқув мақсадлар учун ажратилган давлат бюджетли маблағлари доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ХИЗМАТ АВТОМАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Аҳоли узоғини яқин қилиш, уларнинг мунозабатлари билан танишиб, муаммоларининг ечимини ҳал этиш мақсадида Тошкент шаҳрида ва пойтахтимизнинг 11 та туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилган. Қуни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан уларга "Cobalt" русумидаги хизмат автомашиналари топширилди.

Ўз мухбиримиз ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

Маънавият

МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватан тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди.

Бу жараёнда Республика Маънавият ва маърифат маркази, унинг жойлардаги бўлимлари томонидан тарғибот тизими замон талаби асосида янги босқичга кўтарилиб бормоқда. Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши турли таҳдид ва хатарлар кўпайиб бормоқда. Бундай вазият соҳадан амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, бутун фаолиятни замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг ҳамин қадар олиб борилаётгани, жиноятчилик, гиёҳвандлик, экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш куриш, оилавий ажраллишлар каби салбий ҳолатларнинг олдинчи олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарияти ҳолларда кутилган натижани бермаётгани, бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Ҳам бориб улар билан маънавий-маърифий суҳбатлар уюштириш лозим. Лекин бу маънавий суҳбат, профилактик тадбирларни биз олдинроқ ўтказиб, ҳаётда бир қадам олдинроқ юриб, бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг ҳийла-найранглари аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиз зарур бўлади. Тадбирлар номига ўтказилмай, куюнчаклик билан доимий ва тизимли ўтказилсагина самараси албатта бўлади. Худди шу йўналишда Яққасарой туман маҳаллаларида, таълим тизимида, корхона-ташқилот ва муассасаларида "Жаҳолатга қарши маърифат" мавзусида маънавий-маърифий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, туман Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзолари томонидан изчил амалга оширилиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб, Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилсак, олдимизга қўйилган мақсадларга эриша оламиз. Баҳодир ЮСУПОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази Яққасарой туман бўлими раҳбари



МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги ташкилотларда фаолият юритаётган спорт секцияларида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мунтазам шуғулланиб келаётган спортчилар қисқа танаффусдан сўнг жорий йилги беллашувларни бошлашди.

2018 йил сарҳисоб қилинар экан Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан спортнинг техник ва амалий турлари бўйича 20 га яқин спорт мусобақалари ўтказилган бўлиб, унда 1000 га яқин спортчилар иштирок этди. Қувонарлиси ўтган йили яхши натижаларни кўлга кiritган Тошкент шаҳар спортчилари жорий йил мавсумда Ўзбекистон Республикаси терма жамоасига аъзо бўлдилар. Ўғил болалардан Дониёрхўжа Ҳамроев, Александр Курюшев, Александр Решетников, Камронбек Сабитов, қизлардан Лаофат Садиқова, Екатерина Рязанова, Арина Мирзабековалар шулар жумласидан. Бу йилги старт Республика техник ва амалий спорт турлари марказида жойлашган ўқ отиш спорт тирми бўйича бошланди. Таълим муассасаларида спортни ривожлантириш, ёшларни спортга бўлган қизи-

қилини янада орттириш ҳамда уларни спорт мусобақаларига жалб этиш мақсадида 2000 йил ва ундан кичик бўлган спортчилар ўртасида Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган пневматик қуролдан ўқ отиш спортчилар Тошкент шаҳар очик биринчилигининг илк босқич мусобақаси ўтказилди. Мусобақада пойтахтимиздаги 8 та спорт жамоасининг 57 нафардан иборат спортчиси "ПП-1" ва "ВП-2" машқларида қатнашди. Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти ташаббуси ва "Олмазор Ўқув СТК" унитар корхонаси ташкилотчилигида ўтказилган мазкур спорт мусобақаси юқори савияда, қизиқарли тарзда кечди. Милтиқдан ўқ отиш спорт турининг ўзига хос хусусияти шундаки ёшларимиз мазкур спорт тури билан шуғулланиши ва юқори натижаларни кўлга киритиши учун авваламбор ақл, зийрак-

лик ҳамда мўлжални аниқ олиш талаб этилади. Бунинг учун мунтазам равишда спорт машқларини такрорлаб туришлари лозим. Мусобақада "ВП-2" машки бўйича яқка тартибда иштирок этган ўсмирлар ўртасида 1-ўринни Суннатилла Аҳмедов, қизлар ўртасида эса Дилафруз Қобилжонова эгаллади. Шунингдек, мусобақада "ПП-1" машки бўйича яқка тартибда иштирок этган ўсмирлар ўртасида 1-ўрин Илҳомбек Обиджонов, қизлар орасида Хушнуда Ўтбосарова кўлга киритди. Жамоавий натижаларда эса 1-ўринни Республика техник ва амалий спорт турлари маркази жамоаси эгаллади. Мусобақа ғолиблари Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди. Зиёда РАСУЛОВА



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Дунё шаму инсон парвона. * * * Иши битган раҳматни унутмади. * * * Жанжал ўзининг устунлигини намоиш қилишга уринишдир. * * * Бир топталган гул аслига қайтмайди. * * * Босиқлик ҳам донолик аломати. * * * Ҳаётдан эмас, ўзингдан норози бўл. * * * Йўлини топган кўнглини топади. * * * Текин томошага ҳамма ўч. * * * Шубҳа-гумонни ўлдириш қийин. * * * Бировнинг кўлидаги нон ширин туюлади. * * * Тўғри эшик излайди, ўғри тешик. * * * Осмондан тушган бахт беқадр бўлади. * * * Тақдир ҳаммаша ҳам ҳақ бўлавермайди. * * * Осонига интилган кўпинча оғирига йўлиқади. * * * Оғир қисматига кўпинча кишининг энгиллиги сабаб бўлади. * * * Кайсарнинг ён бергани – жон бергани. * * * Нодоннинг ғалабасидан дононинг мағлубияти афзал. * * * Доно имкон қидиради, нодон баҳона. * * * Узун эмас, мазмунли умр иста. * * * Ишонсизлик инсонни хароб қилади. * * * Дунёнинг ҳаммаша бири кам – бирор киши ҳали ўзининг тўқис ҳаёти билан бунинг аксини исботлаган эмас. * * * Оила ҳам инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири. * * * Бир ёқдан бир сўм ютганингга қувонмаки, бошқа ёқдан икки сўм бўлиб чиқиб кетади. * * *

Қилмиш – қидирмиш

ТРАМАДОЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Кейинги пайтда трамадол, лирика каби дориларни сотиб олиб, истеъмол қилиб, дори таъсирида турли жиноятларни содир қилаётганлар ҳақида эшитмоқдамиз.

Айниқса, бу дорини ёшлар истеъмол қилишгаётгани ачинарлидир. Трамадол шундай дорики, уни бир истеъмол қилган киши қайтиб тўхтаб олмайдди. Шокарим Воҳидов (исм-шарифлар ўзгаририлган) 25 ёшда, Маъруф Қосимов эса 26 ёшда. Уларнинг тақдири ўхшаш, иккаласи ҳам бир хил жиноят содир этишган. Шокаримнинг суд мажлисида айтишича, трамадол дорисини истеъмол қилиб, унга ўрганиб қолган. Энди асло ташлаб кета олмайдди. Хар кун уни маҳал истеъмол қилади. Кейинги пайтларда "Шухрат" чорраҳасида ушбу дорини топиш қийин бўлиб қолгани учун 15-20 донна сотиб олиб истеъмол қилиб турган.

2018 йил 1 ноябрь кун Чилонзор тумани, "Шухрат" чорраҳаси яқинидаги "Андалис" супермаркети олдига йўлни кесиб ўтаётганида ерда ётган қора пакетни топиб олади. Унинг ичиде трамадол ва регален дорилари борлигини кўриб қолади. Дориларни истеъмол қилиш учун олади. Унинг ичиде 26 донна трамадол, 12 донна регален дорилари бор эди.

Уттан йилнинг 4 ноябрь кун "Шухрат" чорраҳасида кетаётганида "Андалис" супермаркети олдига танишини кўриб қолади. У билан гаплашиб турганида ички ишлар ходимлари келиб, ёнидан трамадол ва регален дориларини топишади. Шунингдек, унинг ёнидан ошхона пичоғи, 458 смл сўм пул чиқди.

Маъруф Қосимов содир қилган жиноят ҳам худди Шокарим Воҳидов содир қилган жиноятига ўхшаб кетади. Шокаримдан фарқи ўлароқ, Маъруф муқаддам бир неча жиноятлари учун қамалиб чиққан. Яъни, у 20 ёшда жиноят қўчасига кириб, дастлаб, ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми "в" банди билан 9 йилга озодликдан маҳрум этилган. Амнистия туфайли жазо муддати қисқариб, авф этилган. 2016 ва 2018 йиллари қайта жиноят учун судланган. Қилмишларидан тўри хулоса чиқармаган.

У 2018 йил 29 октябрь кун қадокланган трамадол дорисини сотиб олади. 2018 йил 31 октябрь кун "Шухрат" чорраҳасидан йўлни кесиб ўтаётганида "Спарк" автомашинаси уни тўртбўйоради. У йўқилган вақтда чўнтагидан трамадол дорилари сочилиб кетади. Шу пайт ички ишлар ходимлари келиб, уни ушлаб олади. Дорилар тегишли тартибда расмийлаштирилади.

Экспертиза хулосасига кўра, М.Қосимовнинг ёнидан чиққан 768 донна дорилар трамадол ланнаҳар психотроп моддаси бўлиб, умумий оғирлиги 38,4 граммга тенглиги аниқланган.

Тошкент шаҳар нарқология диспансери экспертизасининг хулосасига кўра, судланувчи М.Қосимов шу дорига тобе бўлиб, ружу қўйганлиги тасдиқланди. Суд дастлабки тергов органи томонидан М.Қосимовнинг трамадол препаратини ўтказиш мақсадида сақлаши билан боғлиқ жиноий ҳаракатларини қайта малакаланиб, ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 5 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Уни ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаниш кераклигини белгилади.

Шокарим Воҳидов жинояти ҳам қайта малакалдан ҳолда ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги исботланди. Унга 2 йил 2 ой озодликдан маҳрум этиш жазоси берилди. У ҳам мажбурий даволанидиган бўлди. Шу ўринда ота-оналарга мурожаат қилишимиз, фарзандингиз тарбиясига беэътибор бўлмаган, ўсмирлик ҳақида уларни хар кун назорат остига олинг. Токи Шокарим ва Маъруфга ўхшаб гиёҳванд моддаларга ўралашиб ёш умрини ҳазон қилмасин.

Нилуфар АЛЛАБЕРГАНОВА, Чилонзор тумани прокурори ўринбосари

"101"

БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Олов – тилсиз ёв. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳаммаша ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. Ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдлик, бегисандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими тизимида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан уйнашга қизиқувчан кичкинтойлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг кўзига ўзгача кўринган оловнинг ўта хавфлиги, ногоҳан содир бўлган ёнғинларнинг оғир оқибатларини тушунтириш зарур.

Фахриддин ҚУЛДОШЕВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант

Маҳаллалар ва аҳоли гавжум жойларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари "тилсиз ёв"нинг келиб чиқиш сабаби ва омиллари, олдинчи олиш ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Шунингдек, болалар боғчалари, мактаб ва коллежларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари юзасидан суҳбатлар ўтказилмоқда. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тасвирланган видео лавҳалар намойиш қилинмоқда. Шу ўринда хурматли ҳамшаҳарлар ёнғинларнинг олдинчи олиш ишларига ўз хиссангизни қўшиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингизни сўраб қоламиз.

Нурлан САЛИХОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, катта сержант

Ёнғин содир бўлган хонадон вайронга айланади, уйдан фэйз-баракча ўчади. Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнғин ҳосил бўлади. Уни бартараф этиш учун ёнғин ўчирувчилар ҳаммаша шай бўлиб турадилар. Биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларни ёлғиз қолдирманг.

Олимжон ОРИФОВ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги МБФБ ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Бугун аланга сабаб юз бераётган фожиалар, содир бўлаётган ёнғинларнинг олдини олиш катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу фалокатлар сўзсиз инсоннинг бепарволиги сабаб келиб чиқмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ўтказилаётган учрашувларда ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари кўргазмалли суратлар орқали намойиш этилиб, кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бироқ ёнғинларнинг сони қисқараётгани йўқ. Айниқса, болалар иштирокида содир бўлаётган фожа ва олов қурбони бўлаётган фарзандлар тақдири ташвишли хол.

Агарда хар домддек сергак бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, муаммолар туғилишига йўл қўймаган бўламиз.

Умиджон ИКРАМОВ, Чилонзор тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, электр асбоблари ва маиший техника воситаларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик, умуман ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни қўр-қўрона равишда бузиш оқибатида ўй-жойларда кўплаб ёнғин чиқиш ҳолатлари учрамоқда.

Ўз мол-мулки ва албатта жамоат, давлат мулкани кўз қорачиғидек сақлаш ва асраб-авайлаш хар биримизнинг бурчимиздир.

Бахитжон АНДАБОЕВ, "Миллий" стадиони ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан юртимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг олдини олиш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Юртимизда ҳафтанинг хар чоршанба кун "Ёнғинлар профилактикаси кун" деб эълон қилинган. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли турар-жой бинолари, турли хил масканларда аҳоли ва маскан ишчи-ходимлари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва тушунтириш тарғибот-ташвиқот ишлари фаол тарзда олиб боришмоқда. "Тилсиз ёв"нинг олдини олишга барча бирдек масъул эканлигини унутмаслигингизни эслатиб ўтаимиз.

Азизжон АЗИМОВ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнғин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташлашни билан бирга кечувчи назоратдан чиқиб кетган ёнғин жараёнидир.

Ёнғинлар асосан электр ва электр ускуналарининг носозлиги, ёш болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида юз бермоқда. Аҳолининг газ плитасидан бепарволик билан фойдаланиши ҳам салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу сабабли фуқаролардан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга чақириб қоламиз. Шунда сиз ўз ҳаётингиз ва мол-мулкнингизни ёнғиндан сақлаган бўласиз.

Бегзод КАРИМОВ, Яшнобод тумани ЁХБ инспектори, майор

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг муҳлиш изларини қолдиради. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз зарур. Корхона бинолари ва худудда очик оловдан фойдаланмаслик, қолаверса электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган вақтда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозим. Бу билан биз катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

Ойбек ЮСУПХОДЖАЕВ, "ВОСТОК" ИИЧБ ДУК ЁХБ катта инспектори, катта сержант

TOШКЕНТ ОҚШОМИ Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар. (0-371) 233-28-95; факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Хўжам — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2008 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ